



«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҲАРАҚАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК, ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»

ХАЛҚАРО ОНЛАЙН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТҮПЛАМИ

2-ШЎЬБА

2020 йил 10–11 декабрь
Тошкент, Ўзбекистон



<i>Шаисламова М.Р., Ҳакимжанова Д.К.</i>	
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ	377
<i>Шаропова Н.Р.</i>	
ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИГА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ ЙЎЛЛАРИ.....	382
<i>Шермуҳамедов А.К.</i>	
РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА	388
<i>Шодиев К.Ш.</i>	
ТУРИЗМДА ИНТЕРНЕТ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАСИ	391
<i>Шодиев Э.Т.</i>	
«РАҶАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН–2030» СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ	396
<i>Юлдашев Д.Д.</i>	
КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ЭЛЕКТРОН РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛANIШI	402
<i>Юлдашева Н.А., Шакирова Ю.С.</i>	
РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ФАОЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	407
<i>Якубов И.О.</i>	
КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШДА ДХШ МЕХАНИЗМИНИ ҚЎЛЛАШ ПРИНЦИПИ.....	411
<i>Якубов М.С., Абулов Н.Б.</i>	
КОРОНАВИРУС: ВЛИЯНИЕ НА ТРАНСПОРТНУЮ И ЛОГИСТИЧЕСКУЮ ОТРАСЛЬ.....	415
<i>Яхшиева М.Т.</i>	
КОРОНАВИРУС ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР	418



**Яхшиева Мавлуда Турсуновна,
ТДИУ «Университет 3.0» халқаро ўқув,
илмий-инновацион тадқиқотлар маркази
бош мутахассиси, и.ф.н., доцент.
Mavluda_y@mail.ru 903542664**

КОРОНАВИРУС ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОТИДА УНГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

КОРОНАВИРУСНЫЙ КРИЗИС, МЕРЫ ПО ЕГО ПРЕОДОЛЕНИЮ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА

CORONAVIRUS CRISIS, MEASURES TO OVERCOME IT IN THE CONDITIONS OF UZBEKISTAN

Аннотация. Уибу мақолада ҳозирги кунда коронавирус пандемияси COVID-19 жаҳон ҳамжасияти учун энг катта муаммога айланиб, нафақат инсонлар организмига, балки уларнинг иқтисодий ҳаётига ва глобал молиявий бозорларга ҳам кириб келиши. Мамлакатларда коронавирус инқиrozига қарши курашишининг инновацион, ноодатий усуллари ва глобал хавф-хатарларнинг салбий таъсирини юмшатиши мақсадида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган тезкор чора-тадбирларни амалга оширишининг долзарб жиҳатлари акс этган.

Калит сўзлар: инқиroz, коронавирус пандемияси, карантин, савдо ва саноат занжири, глобал иқтисодиёт, иқтисодий рецессия, валюта тушиуми, экспорт ва импорт ҳажсми, солиқлар, кичик бизнес.

Аннотация. Данная статья отражает тот факт, что сегодня пандемия коронавируса COVID-19 стала самой большой проблемой для мирового сообщества, проникая не только в организм человека, но и в его экономическую жизнь и мировые финансовые рынки. новаторские и необычные способы борьбы с коронавирусным кризисом в странах и неотложные аспекты реализации неотложных мер, принимаемых главой правительства для смягчения негативного воздействия глобальных угроз.

Ключевые слова: кризис, пандемия коронавируса, карантин, торгово-промышленная цепь, глобальная экономика, экономическая рецессия, валютная выручка, объем экспорта и импорта, налоги, малый бизнес.

Abstract. This article reflects the fact that today the COVID-19 coronavirus pandemic has become the biggest problem for the world community, penetrating not only the human body, but also its economic life and global financial markets. innovative and unusual ways of dealing with the coronavirus crisis in countries; and urgent aspects of the implementation of urgent measures taken by the head of government to mitigate the negative impact of global threats.

Keywords: crisis, coronavirus pandemic, quarantine, trade and industrial chain, global economy, economic recession, foreign exchange earnings, volume of exports and imports, taxes, small business.

Хозирги кунда коронавирус пандемияси COVID-19 жаҳон ҳамжамияти учун энг катта муаммога айланиб турибди. Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) пандемияни урушга қиёсламоқда ва унинг «уруш» даври камида бир чоракдан икки чоракгача давом этишини прогноз қилмоқда. Жамғарма экспертларининг холосасига кўра, коронавирус инқизозига қарши курашиш «уруш даврида»ги чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

COVID-19 коронавируси нафақат инсонлар организмига, балки уларнинг иқтисодий ҳаётига ва глобал молиявий бозорларга ҳам кириб келди.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатлар коронавирус инқизозига қарши инновацион ва ноодатий усуллар билан курашишмоқда. Кўплаб мамлакатлар томонидан вируснинг тарқалишини чеклаш мақсадида ўқув даргоҳлари, кўнгилочар масканлар, спорт иншоотлари ёпилиб, тугаш муддати номаълум карантин эълон қилинди. Муҳим бўлмаган корхона ва ташкилотлар фаолияти вақтинча тўхтатилиб, одамларнинг уйда қолишлари талаб этилмоқда. COVID-19 ни бартараф этиш ижтимоий узоклашув ва карантин тадбирлари тўғри йўл бўлса, глобал иқтисод учун эса, аксинча, ўзаро ҳамкорлик жуда муҳимdir.

Жисмоний чегараларни ёпиш, аҳоли фаоллигини тўхтатиб туриш ҳамда истеъмол билан ишлаб чиқаришни камайтириш биринчи навбатда жаҳон савдоси суръати муқаррар тарзда пасайишини англатади.

Дунё мамлакатларида бу пандемия оқибатида ялпи истеъмолнинг тушиб кетиши ва ялпи таклифнинг пасайиши фикримизга яққол далиллар. Мазкур эпидемия давлатлар ўртасидаги савдо ва саноат занжирининг бузилишига олиб келди. Инвесторларнинг ваҳима сабабли акцияларини сотиб юбориши оқибатида дунё бўйлаб етакчи бўлган биржаларда юзага келган инқизозни экспертлар охирги 10 йилликда қузатилмаган, деб баҳолашмоқда.

Мазкур вазият жаҳон иқтисодиётiga жиддий таҳдид эканини дунёдаги етакчи молиявий институтлар, халқаро ташкилотлар ва айрим давлатлар амалга ошираётган ҳаракатлардан ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, АҚШ Федерал Резерв Тизими иқтисодий фаолликни барқарор ҳолатда ушлаб туриш мақсадида, 3 март куни базавий фоиз ставкасини 0,5 фоиз пунктга туширди. АҚШ молия вазирлиги ҳузурида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳсус группа тузилди. Мазкур қарор 2008 йилги инқизоз давридан бери биринчи марта бўлаётгани аҳамиятга моликдир. Модомики 2008 йил ҳақида сўз борар экан, бу ўз навбатида «Наҳотки дунё иқтисодиёти коронавирус эпидемияси туфайли кенг қамровли иқтисодий инқизоз ёқасига келиб қолган бўлса?» – деган саволни уйғотиши табиий. Яқин-яқингача халқаро экспертлар коронавирус эпидемияси келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида гапиришга ҳали эрта, деб ҳисоблаб келдилар. Бирок, февраль ойининг охири ва март ойининг бошларида «рецессия» тушунчаси кўп ишлатила бошланди ва иқтисодий ривожланишнинг бўлғуси кўрсаткичлари борасида пессимистик башоратлар турли иқтисодий нашрларнинг биринчи сахифасида қайд этилмоқда.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқизози асосан иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторини қамраб олган бўлса, коронавирус туфайли дунё иқтисодиётидаги пасайишлар ва айтиш мумкинки, «коронавирус инқизози» мамлакат ичида ва мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-маданий алоқаларнинг чекланишига ҳам олиб келмоқда. Дунёнинг барча мамлакатларида яқин кунлар ва ойлар ичида ўтказилиши режалаштирилган турли хил ижтимоий-маданий ва спорт тадбирларини кейинроққа суриш ёки бекор қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) одамлар кўп тўпланадиган жойларга имкони борича бормаслик,

зарурат туғилмаса жамоат жойларида бўлмасликни тавсия қилмоқда. Бугунги кунда бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам короновирус туфайли онлайн ўқитишни кенг жорий этишга киришди.

Пандемияни бошидан кечираётган давлатлар савдо урушлари ва сиёсий танглик туфайли ўзи шундоқ ҳам «жар ёқасида»ги дунё иқтисодиётининг ҳозирги кундаги таъминот занжирининг узилиши, ресурсларга бўлган талабнинг сустлашиши, туризмдаги пасайиш тенденцияси ва касаллик сабабли истеъмолчилар ишончининг камайиши билан боғлик муаммоларга дуч келмоқда. Автомобилсозлик, авиакомпаниялар, туризм, энергетика саноати жиддий зарап кўрди. Жаҳон иқтисодиёти ўсиш прогнозлари 2,5 фоиздан 1,3 фоизга тушди. Инқироз туфайли дунёдаги иш жойларининг деярли 80 фоизи ёпилди. Ҳисобкитобларга кўра, глобал миёсдаги ишсизлик даражаси 25 фоизга чиқиши, дунё савдо ҳажми эса 35 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. Айни пайтда дунёда қашшоқлик даражаси 50 фоизга ошиш эҳтимоли ҳам мавжуд [3]. Таъкидлаш жоизки, кўлами ва ҳажми нуқтаи назарида олиб қараганда, Covid-19 эпидемияси натижасида юзага келган ушбу био-иктисодий инқироз аввалги инқирозларнинг энг даҳшатлисидир.

Умуман олганда, глобал иқтисодиётдаги мазкур салбий тенденциялар оқибатлари глобаллашган иқтисодиётнинг бир қисми сифатида Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Жумладан, Хитой Ўзбекистоннинг энг катта савдо ҳамкори ҳисобланиб, Хитой билан ташқи савдо айланмаси 2019 йилда 7,6 млрд. долларни (умумий ташқи савдо айланма ҳажмига нисбатан – 18,1%), экспорт – 2,5 млрд., импорт – 5,1 млрд. долларни ташкил этган (1-жадвал).

1 - жадвал

Ўзбекистон республикаси билан ташқи савдо айланмаси энг юқори бўлган давлатлар (2019 йил январь-декабрь, млн. АҚШ доллари, % да)¹

Топ 10 давлатлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Улуши, %
Хитой Ҳалқ Республикаси	7620,9	2519,0	5101,9	18,1
Россия Федерацияси	6626,9	2492,5	4134,4	15,7
Қозогистон	3367,8	1429,7	1938,0	8,0
Корея Республикаси	2755,4	93,5	2661,8	6,5
Туркия	2525,2	1203,6	1321,6	6,0
Германия	980,1	53,9	926,2	2,3
Қирғизистон	829,1	679,0	150,0	2,0
Афғонистон	618,0	615,1	2,9	1,5
АҚШ	596,2	29,1	567,1	1,4
Туркманистон	541,9	145,1	396,8	1,3

Хитойдаги энергоресурсларга бўлган талабнинг камайиши, Ўзбекистоннинг Хитойга амалга ошираётган экспортини, шу жумладан табиий газ экспорти ҳажмининг камайишига олиб келади. Ўзбекистоннинг экспорт таркибида энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари (яъни табиий газ) 3-ўринда (14,1%) туришини, Хитойга жами экспорт ҳажмининг 36,4% энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари ҳисобига тўғри келишини ҳисобга олиб, хulosा қилиш мумкинки, бу ҳолат Ўзбекистонга валюта тушумининг қисқаришига олиб келади [4].

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шунингдек, Хитойдан келаётган хом ашё ва бутловчи қисмларнинг камайиши, транспорт харажатларининг ўсиши, ишлаб чиқариш таъминотидаги узилишлар Ўзбекистоннинг саноат соҳасига жиддий зарар келтириши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби, Ўзбекистон саноати учун зарур бўлган машина ва асбоб-ускуналар импорти умумий импорт ҳажмида Хитойнинг улуши 30,9%ни ташкил этади, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмларнинг импорти ҳажмида ҳам Хитойнинг улуши энг катта қўрсаткич (24,0%) ҳисобланади. Шу билан бирга, 9 март қуни дунё нефть бозорида яна бир жиддий вазият юзага келиб, нефтнинг нархи ўзининг 2014 йилдан кейинги энг паст даражасини қайд этди. Ушбу ҳолат нефтга бўлган глобал талабнинг тушиб кетиши ортидан нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕС) ва Россия нефть қазиб чиқаришни (таклифни) камайтириш бўйича келишувга эриша олмагани оқибатида юзага келди.

Мазкур вазият ортидан Россия етакчи компаниялари, жумладан «Газпром», «Лукойл», «Роснефть», «Сбербанк», «Х5 Retail Group», «Новатэк», «Северсталь» ва бошқалар акциялари нархлари Лондон биржасида кескин тушиб кетди. Жаҳон нефть нархларининг пасайиши фонида Россия рубли пасайишни бошлади – доллар 72 рублга, евро эса 82 рублга кўтарилиди. Россия рублининг кучсизланиши – сўмнинг алмашув курсини кучайтириши, бу эса, Россия бозорида Ўзбекистон экспорт маҳсулотларининг қимматроқ бўлишига ва маҳаллий экспортёрларнинг даромадлари камайишига, ўз навбатида, бу ҳам Ўзбекистондаги валюта ҳажмини камайишига таъсир қўрсатиши мумкин. Шунингдек, Россия иқтисодиётининг суистлашиши оқибатида, Ўзбекистонлик мигрантларнинг мамлакатимизга келтираётган 3,4 млрд.долларлик (ЯИМга нисбатан 5,9 фоиз) фойдасининг қисқаришига олиб келиши ҳам мумкин. Аҳоли умумий даромадлари таркибида трансферлардан келадиган даромадлар 25,3% ни ташкил этишини ҳисобга олганда, мазкур вазият Ўзбекистонда аҳолининг яшаш даражасига ҳам маълум даражада таъсир қўрсатиши мумкин.

Бу каби оғир оқибатларни иқтисодиётимиз тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, коронавирус пандемиясининг кенг тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиёт тармоқлари соҳалари узлуксиз ишлашини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5969-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муҳим тадбир бўлди. Ушбу хужжатга кўра, макроиқтисодий мувозонатни барқарорлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Натижада, белгиланган йўналишларда вазифаларни амалга ошириш макроиқтисодий мувозонат қўрсаткичларини таъминлашга пойdevor бўлиб хизмат қиласади.

Бу тактик йўналишлар: пандемия оқибатида заарар кўраётган корхоналарга молиявий қўмак бериш; аҳолининг кам таъминланган ва камбағаллик даражасида кун кечирадиган қисмини моддий қўллаб қувватлаш; мамлакатимизда стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатмаган ҳолда уларда фаолликни ошириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларига тез таъсир этадиган молиявий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг корхона ва аҳолининг молиявий мажбуриятлари бўйича ўз таътилларини эълон қилишга эришиш; давлат корхоналари томонидан хиз-

матларни истемолчилардан тўлов муддатларини кечикириш ва шу кабилар сифатида белгиландики, республикамизнинг бу тактик йўналишларини кўпгина давлат раҳбарлари ва халқаро эксперталар томонидан энг мақбул йўл деб эътироф этилмоқда.

Хусусан, инқирозга қарши жамғарманинг тузилиши пандемия оқибатларини аниқ молиялаштириш манбасини белгилаб берди. Ушбу жамғарманинг тузилиши биринчи навбатда, пандемия билан курашиш харажатларини молиялаштиришни ўзида акс эттиради. Касалликни аниқлаш, даволаш каби харажатлар билан бирга тибиёт ходимларига моддий рағбатлантиришни ўзида акс эттирувчи харажатларни қоплаш ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатишда фойдаланилади. Жамғармага 10 триллион сўм йўналтирилиши эълон қилинган бўлиб, бу-жорий расмий курсда 1 миллиард доллардан бироз кўпроқни ташкил этади.

10 триллион сўм қўйидаги йўналишларга тақсимланиши қўзда тутилмоқда:

- ▶ 1 трлн – коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича чоратадбирларни молиялаштириш;
- ▶ 5 трлн – тадбиркорликни, аҳоли бандлигини қўллаб-куватлаш, шу жумладан, инфратузилмавий лойиҳалар ва инвестиция дастурларини амалга ошириш;
- ▶ 0,7 трлн – аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашни кенгайтириш;
- ▶ 2,7 трлн – иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш [1].

Бу борадаги тактик йўналишларни белгилаб берилишида жорий йилнинг апрель ойида Президентимиз томонидан ўтказилган видео селектордаги аниқ кўрсатмалари ва мурожаатномаси бу борадаги ишларни янада самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 3 апрелида коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-куватлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселекторда яна бир бор халқимизга мурожаат қилиб, бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатиш лозимлигини таъкидлаб ўтди ва шу куни «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармонини имзолади.

Албатта мазкур Фармонда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш биргаликда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муҳим имтиёзлар ва преференциялар берилди. Унга кўра, жорий йил март-июнь ойларида муддати тугайдиган болали оиласарга нафақа, бола парваришлиш нафақаси ва моддий ёрдамларни кўрсатиш муддати автоматик тарзда 6 ойдан 1 йилгача узайтирилди, ушбу даврда бошқа муҳтоҷ оиласарга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилади. Бу эса ҳозирда 600 мингта зиёд кам таъминланган оиласининг 120 мингтаси қамраб олинади деганидир. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар, гигиена воситалари каби асосий истеъмол товарларининг нархини пасайтириш учун импорт қилишда божхона божи ва акциз солиғи ундирилмайдиган, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишига мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатиладиган бўлди, ўтган ойдагига нисбатан 50 фоизга камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечикирилди. Биргина мана шу мақсадлар учун давлат бюджети, инқирозга қарши курашиш жамғармаси ва бошқа мақсадли жамғармалардан 1,1 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар ажратилади ва ўрни қопланади [2].

Юқоридагиларга асосланиб фикримизча, короновирус туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти кўриши мумкин бўлган заарларни имкон даражасида камайтириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- ▶ хозирда таркиб топган вазиятни эътиборга олган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат аҳолисининг бирламчи эҳтиёжларини қондириш;
- ▶ аҳолининг энг кўп кўмакка муҳтоҷ қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурларни кенгайтириш;
- ▶ аҳоли, айниқса ёшларнинг иқтисодий тафаккурини ўзгартириш, тиббий маданиятни ошириш, ижтимоий ҳамжиҳатликни яхшилаш орқали иқтисодий фаолликни кучайтириш;
- ▶ молиялаштириш механизмларини жорий этиш, рағбатлантириш дастурлари орқали тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини мустаҳкамлаш;
- ▶ тижорат кредитларини қоплаш учун бюджетдан фоизсиз қарзлар бериш йўли билан маҳаллий иқтисодиётни барқарорлаштириш, ташқи савдо билан шуғулланадиган хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларни янги бозорлар излаб топишга йўналтириш;
- ▶ иқтисодиётдаги соҳа ва тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш дастурларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқиш;
- ▶ бугунги кунда дунёда юз берадиган глобаллашув ва интеграция жараёнларини табиий жараён сифатида қабул қилиш асносида, мамлакатимизнинг яқин қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ушбу чора-тадбирлар коронавирус пандемиясини аҳоли турмуш даражасига ва ташқи глобал иқтисодий оқибатларни Ўзбекистонга таъсирини камайтириш, иқтисодий вазиятни мувозанатлаштиришга хизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи «Коронавирус пандемияси ва глобал инқиroz ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5969-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли Фармони.

3. review.uz/oz/go
4. www.stat.uz
5. www.lex.uz

